

ТАРИХ СИНОВЛАРИДАН ЎТГАН ҲАҚИҚАТ

Ўзбек ва қирғизни ҳеч ким ва ҳеч қандай куч бир-биридан айира олмайди

1

Икки туркий қавм – ўзбек-қирғиз дўстлиги ҳақида гап кетганда, кўпчилик олис ўтмишдан ҳикмат кидиришга тушиб кетади – гўёки бугунги кунларимизда ушбу қардошлиқ ришталарини ифодаловчи қўрли бир мисол йўқдек. Тўғри, яқин тарихда шундай воқеалар кузатилдики, оқибатда бу икки халқнинг қардошлиги ҳақида гапирининг ўзи киноявий маъно акс эттирадигандай бўлиб қолганди. Аммо тарих дегани минг йиллардан буён бирга яшаб келаётган икки қўшни халқнинг собиқ тузум пайтида шаклланган тушунисиз мунозарасидан иборат эмас.

Ҳа, кечаги олатасир кунларимиз бугун тарихнинг қора бир қўланкаси бўлиб қолди. Аммо ўтмиш ва келажак олдида у нима деган гап?! Қолаверса, биз кўрган зиддиятлар, ҳафгагарчилигу ўзаро ишончсизлик нима сабабдан бўлгани, бу ишлар ортида қандай кучлар тургани ва уларнинг мақсадлари нимадан иборатлигини бугун жуда яхши англаб олдик. Бу – жуда муҳим фактор. Нимагаки, халқлар ўзининг қимлигини, ўзлигини билмас, англамас, бундан ёмоний йўқ. Бироқ боболардан қолган бир нақл борки, айбни фақат четдан кидириш ҳам адолатдан эмас.

Масалани агар шу тахлит ёндашидан бўлсак, баъзи номақбул ишлар ўзимиздан ўтганига ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин. Баъзи тахлитчилар ўзаро муносабатларнинг кескинлашувида ҳар икки томон сиёсий элиталари етарлича «ташаббус» кўрсатишганини истисно қилишмайди. Масалан, қирғизистонлик сиёсатшунос Эмилбек Жўраев бир мақоласида 2016 йилгача икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг таранглашуви тўғрисида орадаги совуқчилик узоқ давом этгани ва айрим жабҳаларда ҳамкорлик бутунлай тўхтаб қолгани, барча турдаги муносабатлар беқарор ва носамимий бўлганини ёзади. Унинг фикрича, баъзи ўринларда олий раҳбариятлар ўртасидаги бир-бирини ошқора ҳуш кўрмаслик, нодўстона баёнотлар бериш ҳолатлари жанжалли вазиятларнинг кескинлашуви билан олиб келган...

Энди бир ўйлаб кўринг, тили, дини, маданияти, тарихи ва тақдири бир бўлган икки халқ, қўшни мамлакатлар қачонгача шу тахлит яшаши мумкин эди, таассуфлики, бундан ким ютарди-ю ким ютқазарди?!

Ҳозир бу ҳақда кўп гапирмоқчи эмасман. Мен бир зиёли, қолаверса, ҳаёти узоқ йиллар сиёсат билан боғлиқ бўлган одам сифатида ўзбек ва қирғиз халқларининг бир-бирига бўлган меҳри, садоқати ҳақида сўзламоқчиман. Зотан, халқларимиз ўртасида шундай самимият борки, бу қардошлиқ риштаси бизни бир-биримизга ҳаммиса боғлаб туради. Шундай ўйлашганимиз, ўзбек ва қирғизни ҳеч ким ва ҳеч қандай куч бир-биридан айира олмайди. Бу – тарих синовларидан ўтган ҳақиқат!

Бундай ҳолатлар пайдо бўлишининг, албатта, сабаблари бор. Ўтмишда «қайта қуриш» ва «ошқоралик» деб ном олган замонларни бугун ҳам одам эслайди. Собиқ тузум парчаланиши арафасидаги «империя талвасаси» миллий республикалар халқларининг бошига жуда кўп кулфатлар келтирди.

Қадим-қадимдан ўзбек маданиятининг ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўхна Византия Қадим Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин. Советгача бўлган даврларда ва совет даврида ҳам Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимиз юзимиз бўлиб келди. Йўқ, ўзбек халқининг бокира юзига ҳеч нарса доғ туширолмайди!..

Чингиз АЙМАТОВ



Жумладан, ўзбек халқи ҳам айнаи ўша замонларда «Ўзбек иши», «Пахта иши» деган игво-ю фитналар орқасидан кўп азият чекди. Минглаб одамлар қатагон қилинди, туҳмат ва бўхтон юштирилиб, миллатнинг номини қора қилишга оқиб-часига уринилди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, айнан ўша йиллари собиқ марказнинг бош мафқуравий-сиёсий жарчиси бўлган «Правда» газетасида (1988 йил 13 февраль) дунёга машҳур адиб Чингиз Айтматовнинг «Қайта қуриш, ошқоралик – омонлик дарахти» («Перестройка, гласность – древо выживания») мақоласи босилди. Мақола мазмун-моҳиятига кўра, собиқ марказ томонидан аёвсиз сиқувга, сиёсий репрессияга тортилган Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳимоясига қаратилган эди.

Айтматов унда, жумладан, шундай деганди: «Ўзбек халқининг мамлакат учун қилган меҳнатини бирма-бир санайверсак, буларнинг бари бошимизни қуйи эгиб, таъзим этишга арзийди. Қадим-қадимдан ўзбек маданиятининг ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўхна Византия Қадим Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин.

Советгача бўлган даврларда ва совет даврида ҳам Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимиз юзимиз бўлиб келди. Йўқ, ўзбек халқининг бокира юзига ҳеч нарса доғ туширолмайди!..»

Айни шу иқтибос ўзбек матбуоти ва адабиётда – мақолалар, илмий ишлар ва бадий асарларда жуда кўп бор фахр билан тилга олинган. Аммо бу ёниқ сўз-

лар қанча кўп эътироф этилмасин оҳори тўқилмайди, қиймати пасаймайди.

2

Сўзимнинг аввалидаёқ айтиб қўяй, мен бу сафар глобал масалалар ҳақида эмас, кўпроқ оддий одамгарчилик, инсоний самимият, содарақ айтганда, қўшиларнинг бир-бирларига бўлган меҳри, самимияти ўртадаги вазиятни қандай ўзгартириб юбориш хусусида гапирмоқчиман. Зотан, айни ҳодиса бугун икки халқ, икки мамлакат ҳаётида кузатаётганимиз дўстона муносабатларнинг буюғидир.

Ҳеч эсимдан чиқмайди: Президент Шавкат Мирзиёев иш бошлаган илк кезлардаёқ Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги Манас кишлоғини обод қилишга киришган ва бундан кўпчилик хайрон бўлганди. Очик айтман, ўша кезлари орамизда «ўзимизнинг кишлоғу маҳалалар қолиб, нега Манас ободонлаштирилади» дегувчилар ҳам бўлганди. Асосан этник қирғизлар яшовчи бу овул совет замонларида ташкил этилган бўлиб, узоқ йиллар «кўздан пананда» қолиб келганини ҳаммамиз яхши биларди. Шавкат Мирзиёевнинг кейинчалик бутун мамлакат бўйлаб қулоч ёйган «Обод кишлоқ» дастури нега айнан шу ердан бошланганини бугун кўпчилик тушуниди. Ўзбекистоннинг янги раҳбари бу ҳаракати билан «Биз бир элмиз, бир халқмиз, бизнинг томиримиз битта» деган асл ҳақиқатга ишора қилган эди. Зотан, совет замонларида шаклланган, тўғрисида, катта «оғамиз зугуми билан сунъий юқтирилган ва ундан кейин ҳам белгисизлик билан қаралган миллий айирмачилик минтақа давлатлари бирдамлигига монелик қилувчи асосий «мафқура» бўлганини бугун ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Ҳолбуки, ўзбегу қирғиз, умуман, минтақамиз халқларини фақат «ошқоран маданияти» бир-бирига боғлаб турмайди. Икки халқ тақдирининг уйқашлиги, эт билан тирноқдай битта эканининг яна бир мисоли сифатида элларимиз муаммоларининг яқрамлигини ҳам келтириш мумкин. Масалан, ишсизлик ва мигрантлар масаласи... Биласиз, бу муаммонинг охириги 25 йил давомида ягона ечими меҳнат миграцияси бўлди. Бундан ҳам оғирроғи чегаралар ва трансчегаравий дарёлар атрофидаги масалалар эди. Улар моҳиятан жуда қийин, узоқ йиллардан бери ечим кутаётган юмушлар эди.

Йилдан-йилга чигаллашиб бораётган, икки томонни ҳам тобора ўзининг

қаръига тортиб бораётган бу «қора туйнуқ»нинг озини бизга ким ёпиб, муаммоларимизни ким ҳал қилиб беради? Ҳеч ким! Бунинг учун эса, аввало, минтақадаги ижтимоий-мафқуравий муҳит – халқларимизнинг тафаккурини ўзгартириш талаб этиларди.

Шундай оғир паллада Шавкат Мирзиёевнинг дастлабки журъатли қадамлари – чегара, сув ҳавзалари ва дарёлардан фойдаланиш ҳамда иқтисодий-маданий жабҳалардаги ҳаётбахш ўзгаришлар ўзаро муносабатларни тезкор ва ҳар жиҳатдан яхшилашнинг ноёб намунаси сифатида кўпчиликини ҳайратга солгани бор гап. Сўз исботи билан бўлиши учун аниқ мисол келтираман: Қирғизистонда 2016 йили, яъни ўзгаришларга бўлган даврда ўтказилган ижтимоий сўровда иштирокчи – респондентлар Ўзбекистонни энг нодўст давлатлардан бири, деб ҳисоблаган бўлса, 2017 йилги сўровларда энг яқин дўст мамлакатлардан бири сифатида қайд этишган... Ўзаро алоқаларнинг бундай тез илқиллашуви нафақат халқларимиз, балки халқаро ҳамжамият, маҳаллий сиёсатчилар, мустақил экспертларнинг ҳам эътиборини тортиди. Масалан, юқорида исмини келтирганимиз қирғизистонлик эксперт Эмилбек Жўраев ўз мақоласида шундай ёзади:

«2024 йил 18-19 июль кунлари Президент Сади́р Жапаровнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи амалга оширилди. Икки давлат раҳбарлари ва ўзаро музокараларнинг бошқа қатнашчилари яқунда ҳамкорликнинг турли йўналишларига доир 16 та ҳужжатни имзоладилар, истиқболдаги маҳаббатли ва айни пайтда ҳаётий мақсадларни белгилаб олдилар.

Қирғиз матбуоти Президент Шавкат Мирзиёевнинг, икки мамлакат муносабатларидаги конструктивизм принципини (win-win) аниқ-тиниқ ифодалаган «Бизга кучли ва фаровон қўшни – Қирғизистон керак», деган сўзларини иқтибос қилди. Бу – шунчаки меҳмондорчилик ёки эҳтиром белгиси эмас, балки икки биродар давлатнинг чинакам дўстона муносабатлари тасдиғи сифатида қабул қилинди. Зеро, бир мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва фаровонлигига унга қўшни юрда ҳам шундай шарт-шароит барқарор бўлгандагина эришиш мумкин».

3

Эмилбек Жўраев Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Бизга кучли ва фаровон қўшни – Қирғизистон керак», деган хитоби қирғиз

матбуотининг сарлавҳасига айланганини айтар экан, бу билан бир ҳақиқатни тасдиқлайди. Ҳа, ўзбек Лидерининг юракдан истаган, қалбини ёндирган ният шу эди. Бу истақ, кучли хоҳиш, гарчи баралла айтилмаган бўлса-да, айнан ўша Манас кишлоғини обод қилиш ишлари бошланган кезларда куртак ёзган эди.

Юқорида Халқаро республика институтини томонидан 2017 йил Қирғизистонда ўтказилган аҳоли ижтимоий фикри сўровида қардошларимиз Ўзбекистонни энг дўст мамлакат, дея баҳолаганини 2024 йил Олимпиада муносабати жарёнларида ҳам қўриб жуда қувондим. Икки қондош халқ бир-бирининг спортчиларини худди ўзиникидек қўллаб-қувватлашди, ёрдам беришди. Шунда аниқроқ кўрдимки, дўстлик ва бирдамлик янада мустаҳкамланибди, халқларимиз томирларимиз ҳам, тақдиримиз ҳам бир эканини янада чуқурроқ англабди.

Яна мен буюқ ёзувчимиз Чингиз оғадан олинган иқтибосдаги бизга бўлган жонқуярлик, меҳр ва самимиятни, «ўзимники» дея қайғуришни ана шу муносабатлардаги бир-бирига қайишмишда кўрдим...

Булар – жуда катта тарихий ютуқ!

4

Албатта, бу каби ҳодисалар ўз ўзидан содир бўлмайди. Бундай тарихий миссияларни амалга оширадиган шахслар бўлади. Тақдир халқларимиз бахтига шундай Лидерларни берди. Бир-бирини оғам, иним, дея муносабат юритаётган Шавкат Мирзиёев ва Сади́р Жапаровлар ҳақида бундан бошқа яна қандай таъриф бериш мумкин?!

Бир замонлардагидек «сен зўрми, мен зўр» қабилидаги «ҳамкорлик»лардан тамоман воз кечган икки раҳбар мамлакатларимизнинг гуллаб-яшнашига, яқин қўшничилик алоқаларининг мустаҳкамланишига тамал тошини қўйди, десам муболага бўлмайди. Энг муҳими, ўзаро ҳурмат, маслаҳат ва самимият муносабатларимизни янада илқиллаштирмоқда.

Мен минтақамиз сиёсий ҳаётини жуда узоқ йиллардан буён кузатиб келаман ва бу жараёнда илгарилари бўлмаган бир нозик масала диққатини тортади: бизда қўшни давлатлар раҳбарлари бир-бири ҳақида жуда кам ҳолларда илиқ фикрлар билдирган. Айтилган гаплар ҳам кўпинча сиёсат ёки протокол учун бўлган. Мирзиёев ва Жапаров ўртасидаги муносабатлар оғанини ўр-

тасидаги жондошлик муомаласига ўхшайди. Масалан, шу йил (2025 йил) бошида Сади́р Жапаров Ўзбекистонга келди. Журналистларимиз «расмий» деб шарҳлаган бу ташриф пойтахт – Тошкент ёки мамлакатимизнинг бошқа марказий шаҳарларига эмас, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Амирсой» курорт мажмуасига амалга оширилди. У ерда икки давлат раҳбари оддий одамлардек, яъни ортиқча сиёсий «штрих»ларсиз ўтириб, суҳбатлашганини акс эттирувчи суратлар ўша кунги матбуот ва ижтимоий тармоқларда тарқалди. «Галстуксиз» учрашув, табиийки, ҳар икки давлат жамоатчилигида, жамиятларида қизган муҳокама қилинди. Чунки биз бундай «визит»ларни кўрмаган эдик, кўзимиз ўрганмаган эди...

5

2021 йил 28 январда «BBC»нинг қирғиз хизмати Сади́р Жапаров билан суҳбат ўтказди. Мухбирнинг «Қирғизистонда сиёсий бошқарув формаси алмашинувида сизнинг Президентлик «иктидор»ингиз авторитар бошқарувга айланиб кетмайди, деб қафолат бера оласизми?» деган саволига жавоб бераман Сади́р Жапаров ўз фикр ва қарашларини бугунги Ўзбекистон ва унинг етакчиси Шавкат Мирзиёев фаолияти ва олиб бораётган сиёсати мисолида ифодалашга ҳаракат қилди:

– Бу ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ, – деди у, жумладан. – Менда авторитар бошқарувни ўрнатаман, деган ният йўқ, ундай бўлмайди ҳам. Бунга кучимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етати. Вақти келса, бунинг исботини кўрсатлар. Биз қонунийлик ва адолат диктатурасини ўрнатишга қодирмиз. Аллоҳ насиб этса, бунинг ўрнатилиши ҳам. Бунга мисол сифатида қўшни Ўзбекистонни айтишим мумкин. У ерда ўтган даврда кучли диктатура бор эди. Бунинг дунё ҳам, биз қўшни давлатлар ҳам билганимиз. Шавкат Миромонович Мирзиёев келганидан сўнг диктатурани олиб ташлаб, дунёга эшигини очди. Мана, ҳозир қандай ўзгаришлар бўляпти. Агарда у хоҳласа, ишни анъанавий услубда давом эттириб кетса бўларди. Бироқ у бундай қилмади, мамлакатини очди. Қўшилар ва олис хориждаги давлатлар билан дўстона ҳамкорлигини тиклади. Шунинг учун ҳам бугун Ўзбекистонга инвестиция кириб, иқтисодий ўсиш бўляпти, халқнинг турмуши янгиланяпти. Шу сабабдан ҳам ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ, дейман...

6

Сўзимиз аввалида қирғизистонлик сиёсий тахлитчининг «...Баъзи ўринларда олий раҳбариятлар (қирғиз-ўзбек) ўртасидаги бир-бирини ошқора ҳуш кўрмаслик, нодўстона лўқма ташлаш ҳолатлари жанжалли вазиятларнинг кескинлашуви билан олиб келган...» деган гапларини беҳиж келтирмагандим.

Аслида вазият шундай эди. Ҳатто сиёсий элиталар ўртасидаги совуқчилик сабаб икки қўшни мамлакат ўртасида бир неча йиллар дипломатик алоқалар ҳам музлаб қолгани бор гап. (Масалан, Ўзбекистон бир мuddат, яъни 2010 йилдан 2013 йилгача Қирғизистонга ўз элчисини тайинламаган бўлса, Қирғизистоннинг Тошкентдаги элчиси ўрни ҳам 2010-2011 йилларда бўш турган.) Айни шу ҳодисалар ва Сади́р Жапаровнинг бугунги кунларимизда «BBC»га берган интервьюсидаги Ўзбекистон ва унинг Президенти ҳақидаги мулоҳазалари қардош халқлар ва қўшни давлатлар орасидаги муносабат қиска мuddатда қандай ўзгариб кетганини ифодалаш учун яхши мисол бўла олади, деб ўйлашаман.

Шу ўринда мени бир нарса ҳаддан ортиқ қувонтирадики, ардоқли адабиёти Чингиз Айтматов қалбини чулғанган ўзаро дўстлик, қардошлик ва оғаничиликка бўлган муҳаббат ўти бугун халқларимиз, элларимиз дилларида қайта алангаланмоқда.

Муҳими, бу ишларда барча-барчамизга давлатларимиз раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Сади́р Жапаров ўрнатилган.

Қудратилла РАФИҚОВ, сиёсатшунос

ФОРУМ

Энергетика, нефть, газ ва геология соҳаси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида «Аёллар ва ёшлар форуми» ташкил этилди.

ФАОЛЛИК
ҲАМИША ЗАРУР

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда энергетика, кончилик ҳамда геология соҳаси ташкилотларида фаолият кўрсатаётган 100 нафардан ортиқ хотин-қиз иштирок этди.

Анжуман доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини кўллаб-қувватлаш, маънавий дунёқарашини кенгайтириш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган маърифий тадбирлар уюштирилди.

Шунингдек, «Заковат» интеллектуал ўйини, шахмат-шашка мусобақалари қизгин ва қизиқарли ўтди. Хусусан, билимлар беллашувида Энергетика вазирлиги ва «Ўзтрансгаз» АЖнинг «Янги Тошкент» жамоаси

1-ўрин, «Ўзбекнефтегаз» АЖнинг «Қора олтин» жамоаси 2-ўрин, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, «Ўзбекистон GTL» ва Шўртан газ-кимё мажмуасининг «Соф энергия» жамоалари 3-ўринни эгаллади.

Шахмат баҳсларида эса Геология фанлари университети ходими Шоира Собирова 1-ўрин, «Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ ходими Гулшода Абдуназарова 2-ўрин, Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Миллий диспетчерлик маркази ходими Моҳикул Мамадалиева 3-ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Феруза РАҲИМОВА
«ISHONCH»

ФАХР

БИР МАҚСАД
ЙЎЛИДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши ёшлар иштирокида форум ўтказди

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига бағишланган тадбирга вилоятда турли соҳаларда меҳнат қилаётган 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшлар таклиф этилди. Улар нафақат тадбир қатнашчилари, балки жараённинг ҳақиқий қаҳрамонларига айланди. Корхона ва муассасалардаги билимдон, ташаббускор ёшлар «Заковат» интеллектуал ўйинида, тадбиркор ёшлар эса ўз маҳсулотлари ва ғоялари билан кўргазмада қатнашди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси Муҳаммадқосим Олимов иштирокчилар билан учрашувда мамлакатимизда ёшлар нафақат моддий, балки маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирнинг энг қизғин ва баҳсли палласи «Заковат» интеллектуал ўйини бўлди. Унда вилоятдаги турли ташкилот ва корхоналар жамоалари беш нафардан иборат таркибда иштирок этди. Ўйин жараёнида иштирокчилар тарихий, ижтимоий, мантиқий саволларга жавоб беришда

масалала ақл ва диққат билан ёндашдилар.

Танлов сўнгида ғолиблар алоҳида эътироф этилди. Уларга фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Айни пайтда Бухоро вилоятда 163 минг нафардан ортиқ 35 ёшгача бўлган йигит-қиз меҳнат қилиш моқда. Улар орасида юзлаб иқтидорлар, ангилликка интилувчан, халқига фидойи ўғил-қизлар бор. Бундай ёшларнинг бир мақсад атрофида бирилашиб, дадил ҳаракат қилаётгани барчамиз учун фахрлидир.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»



ҲУҚУҚ

ХОДИМ ВАКОЛАТИГА КИРМАЙДИГАН
ИШ ТОПШИРИЛГАН ЭДИ

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 17-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси З.Ф. иш вақтида катта қучланишга эга электр токи уриши оқибатида ҳалок бўлди. Эсиз, эндигина 29 ёшни қаршилаган аёл бахтсиз ҳодиса қурбонига айланди. Унинг эса 5 ёшли фарзанди бор эди, она меҳрига тўймай қолди...

Тарбиячининг ўлими бўйича суриштирув ишлари олиб борилди. Маълум бўлишича, муассаса раҳбари марҳумга трансформатор ичидаги ҳисоблагични суратга олиб жўнатишни буюрган. З.Ф. мана шу вазифани амалга ошираётган вақтида фалокатга йўлиққан.

Ҳолат раҳбар ходиманинг ваколатига кирмайдиган, яъни ноқонуний топшириқ берган, дея таснифланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши иш берувчига марҳуманинг фарзандига қадар ҳар ой 700 минг сўмдан зарар пули тўлаб борадиган бўлди.

Шокир ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашининг меҳнат техник инспектори

РАҒБАТ

Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган «Ботаника» санаторийсида «Янги Ўзбекистон ёшлари – барқарор келажакнинг ишончли пойдевори!» деб номланган тадбир ўтказилди.

ФИДОЙИЛИК ЭЪТИРОФИ

Унда сиҳаттоҳда фаолият юритаётган ходимлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Қайд этилганидек, юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан мазкур сиҳаттоҳда ҳам ёш

ҳодимлар фаолияти учун имконият ва шароитлар яратилмоқда, уларнинг билим ва маънавиятини оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Тадбир давомида 20 нафар фаол, ташаббускор ёш ходимнинг ота-оналарига ташаккурномалар ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

Севара ЭШОНҚУЛОВА,
санаторий ходимаси

ШУКУҲ

Сирдарё туманидаги «Мега Люкс» корхонасида 2 минг нафарга яқин ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Бу йирик ташиқлотда меҳнаткашларнинг самарали фаолият юритишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, улар иш ҳақларини ўз вақтида оладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда дам олдирish борасидаги ишлар ҳам намунали. Корхона касаба уюшма кўмитаси эса бу вазифаларга бош-қош.

БАХТИЁРЛАР
ДАВРАСИДА

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши мазкур корхонада тадбир уюштирди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тадбир аввалида «Мега люкс» МЧЖ бош директори ўринбосари Нодирбек Бўронов муассаса 2012 йили 50 нафар ишчи-ҳодим билан иш бошлагани, йиллар давомида ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб, маҳсулотлар сифати ошиб борганини қайд этар экан, бунда ҳар бир ходимнинг ўзига хос ҳиссаси борлигини эътироф этди.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Р.Турсунмуродов, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи М.Адилов ҳамда Республика кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири С.Сайфуллаев касаба уюшмаларидаги ҳаётбахш ўзгаришлар ҳақида сўз юритдилар.

Тадбир якунида меҳнат жамоаси учун қатор сиҳаттоҳларга йўлланмалар топширилди. Бу иштирокчиларни қувонтирди. Хоразм, Самарқанд ва Тошкент вилоятларига бепул саёҳатлар уюштириш ҳақидаги хушхабар эса ишчи-ҳодимларнинг олқишига сазовор бўлди.

Бахтиёрлар даврасига куй ва қўшиқлар файз киритди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

БУГУНИДАН РОЗИ ИНСОННИНГ
ЭРТАНГИ КУНИГА ИШОНЧИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгашининг IX ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.



сўм иш ҳақлари ундириб берилди.

«Океан» сув спорти саройи Наманган шаҳрининг кўрқига кўрк қўшиб турибди. Сув ҳавзасини бунёд этиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 31 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфлангани давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ёшларига кўрсатаётган ғамхўрлигининг яққол намунасидир. Бугунги кунда сув спорти саройида 15 та гуруҳда 120 нафар бола мунтазам равишда сузиш билан шуғулланмоқда.

Соғломлаштириш ишларига ижтимоий сўғурта маблағлари ҳисобидан 37 млрд. 800 млн. сўм маблағ сарфланди.

Конференцияда кенгаш тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги

ахборот эшитилди. Муҳокамаларда кенгашнинг ўтган даврдаги фаолияти қониқарли баҳоланди.

Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда, яшрин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда Ҳасанбой Ҳожаев Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши раиси, Қосимжон Холбоев раис ўринбосари лавозимига сайланди.

Шунингдек, кенгаш ва тафтиш комиссияси аъзолари, тафтиш комиссияси раиси, вилоят кенгашининг Ижроия кўмитаси аъзолари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойига делегатлар ҳамда Федерация Бош Кенгаши таркибига вакиллар сайланди.

Мухтасар айтганда, касаба уюшмалари тизимида сўнгги беш йиллик фаолиятни танқидий таҳлил қилиш, ютуқларни баҳолаш, келгуси долзарб вазифаларни белгилашда муҳим воқеа бўлган конференцияда касаба уюшмалари олдидаги асосий вазифа – ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари ва ҳаёт сифати таъминланиши йўлида изчил ҳаракатлар дастури белгилаб олинди. Пировард мақсад эса меҳнаткашларни бугунги кунидан рози қилишга қаратилди. Чунки бугунидан рози бўлган инсон эртанги кунга ишонч билан яшайди.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Қирғиз Республикаси Иссиқкўл вилояти Тон тумани Каджи-сай қишлоғида «Bo'ston Resort» дам олиш ва даволаш мажмуаси бунёд этилмоқда. Шу кунларда унинг биринчи босқичи — «Bo'ston Resort» дам олиш маскани очилиш арафасида.



■ БУНЁДКОРЛИК

«Bo'ston Resort» дам олиш ва даволаш мажмуаси: МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН ДЎСТЛИКНИНГ ЯНА БИР ЁРҚИН НАМУНАСИ

Тарихга назар: «Бўстон» пансионати бир вақтлар Ўзбекистоннинг «Ташселмаш» заводига қарашли бўлган. Утган асрнинг 1970 йилларида қурилиши бошланиб, бир муддат мавсумий фаолият кўрсатган. Уша вақтда 6 та коттеж, ошхона, 2 та 3 қаватли бино ва йўлнинг қарама-қарши томонида хўжалик бинолари бўлган. 1984-1986 йилларда 7 қаватли бино қурилиши бошланиб, якунига етмай қолган. Йиллар ўтиши билан мазкур объектда аҳоил ёмонлашиб, барча бинолар ташлашга яроқсиз ҳолга келиб қолган. Узоқ йиллар умуман фаолият юритмаган.

Худуд ҳақида маълумот: Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳридан 278 км. жанубиш-шарқда, денгиз сатҳидан 1610 метр баландликда жойлашган худуд мўътадил иқлимга эга бўлиб, ёз ойларида максимум 32, ўртача 23 даража иссиқ, қиш ойларида эса максимум -10, ўртача -5,5 даража атрофида совуқ, намлик йил давомида ўртача 50 фоиз атрофида бўлади.

Иссиқкўл курорт-рекреацион зонасида дам олиш уйлари, меҳмонхоналар, кўнгилочар жойлар кўп, лекин санаторийлар кам. Мазкур объект Иссиқкўлнинг жанубий қирғоғида жойлашгани сабабли бу жойда санаторий ташкил этиш айни муддао бўлади.

Бугун: икки мамлакат ўртасидаги бугунги илқ муносабатлар, икки давлат раҳбарларининг

самимий ҳамкорлиги барча соҳалар қатори бу жабҳада ҳам ўз натижаларини намойён этмоқда.

Айни вақтда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ушбу худудда даволаш ва дам олиш комплекси ташкил қилиш ишлари кетмоқда. Лойиҳа бўйича комплекс икки қисм (мавсумий дам олиш маскани ва йил давомида узлуксиз фаолият кўрсатадиган санаторий)дан иборат бўлади.

Ҳозир мавсумий ишлайдиган қисмида — «Bo'ston Resort» дам олиш масканида қурилиш-монтаж ишлари якунланган. Бу ерда 2 та 3 қаватли бино тўлиқ реконструкция қилиниб, 200 ўринли ётоқ ва маъмурият биноси, 250 ўринли ресторан, катта очиқ чўмилиш ҳавзаси, очиқ волейбол ва футбол, болалар майдончалари, ташки тренажёр майдонлари, объектдан 500 метр узоқликда ташки оқова сувни тозалаш иншооти қурилган. 500 метрга тенг пляж ташкил қилинган. Қўлга чиқиш учун 54 метрли пристань ўрнатилиб, сув саёҳати учун кемалар сотиб олинган.

Йил давомида хизмат кўрсатадиган асосий қисми — санаторийда эса 7 қаватли 200 ўринга мўлжалланган эски бино реконструкция қилиниб, маъмурият, қабулхона, ёпиқ сузиш ҳавзаси, даволаш биноси, 200 ўринли ресторан, бар ҳамда кафе, очиқ сузиш ҳавзаси бунёд этилади. Шунингдек, сикатгоҳ учун қоравулхона ҳамда автомобиллар тураржойи, кўп

буйида кемалар ва катамаран учун тураргоҳ ва пляж ташкил қилинади.

Резиденция қисмида эса 3 қаватли бино, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзаси, хизматчилар уйлари, автомобиль ва вертолётлар тураржойлари, денгиз бўйида очиқ айвонли причал ва пляж бунёд этилади.

Ушбу дам олиш ва даволаш мажмуаси умумий 400 ўриндан иборат бўлиб, илқ ва иссиқ кунларда 400, қиш фаслида эса 200, йил давомида қарийб 5 минг нафарга яқин кишини қабул қилиш имконига эга бўлади.

Лойиҳага кўра, янги сикатгоҳ гастроэнтерология, кардиология, неврология, эндокринология, урология, таянч ҳаракат, нафас йўллари каби хасталикларни даволашга ихтисослаштирилади.

Умуман олганда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бунёд этилаётган ҳамда хизмат кўрсатиладиган «Bo'ston Resort» дам олиш ва даволаш мажмуаси ўзбек-қирғиз дўстлиги мустаҳкамланаётганининг яна бир ёрқин намунаси бўлиб, халқларимиз бирдамлиги, мамлакатларимиз тараққиётига хизмат қилажак.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Қирғиз Республикаси,
Иссиқкўл вилояти, Тон тумани

■ ДИЛ СЎЗИ

БИР-БИРИНИ ТУҒИШГАНИМ, БАУРИМ ДЕГАН ХАЛҚЛАРМИЗ

Бундан ўн йиллар олдин Дўстлик туманидаги Манас қишлоғи хароб аҳволга келиб қолган эди. Утган асрнинг 60-йилларида қад ростлаган худуддаги маиший бинолар эскирган, кўп қаватли уйлар атрофидаги бўш жойларга пастқам иморатлар қуриб ташланган, аҳоли ҳам ишсизликдан азият чекар, хуллас, ободлиқни орзу қилган бир маскан эди. Рост, ўша даврларда бир кун келиб қишлоқ манзарасининг тубдан ўзгариши ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган.



Тейчи ИСМОИЛОВ,
Жиззах вилояти
Қирғиз миллий
маданият маркази
раиси ўринбосари

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бутун мамлакат бўйлаб кенг қўлчан ёзган «Обод қишлоқ» дастурининг айнан Манасда бошланиши қишлоқ аҳолининг ушалмасдек туюлган орзусини рўйбга чиқарди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев топшириғига биноан, 2018 йил Манас қишлоғи 45 кун ичида бутунлай янгидан бунёд этилди. Қишлоқдаги уй ва бинолар бузилиб, уларнинг ўрнида икки қаватли кўп хонадонли уйлар, замонавий болалар боғчаси, поликлиника, спорт майдончаси ҳамда жун ва терини қайта ишлаш корхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

«Ачық сўз» («Очиқ сўз») газетасининг 2018 йил 13 сентябрь сониди Болосоғун номидаги Қирғизистон миллий университети доценти Мирсаид Анарбаевнинг «Бекиёс ўзгарган Манас» сарлавҳали мақоласи чоп этилди. Муаллиф унда ўз таассуротларини ҳикоя қилиб, шундай ёзди:

«Манас қишлоғи Ўзбекистоннинг 10 та вилояти оралаб ўтиб, мамлакатни Эрон, Афғонистон ва Туркменистон билан боғлайдиган улў йўлга яқин жойлашган. Энг муҳими, қишлоққа Президентнинг назари тушди. Уни кўргани атайин узоқлардан ташриф буюрувчиларнинг қадами узилмапти. Истагимиз — Ўзбекистон Республикаси Президенти бошлаган ушбу хайрли ташаббус қанот ёзиб, бутун мамлакат обод ва фаровон бўлсин».

Манаснинг обод қишлоққа айлантирилишини биз, қирғиз халқига бўлган хурматнинг ифодаси, деб билдик, фахрландик, ғурурландик.

Бугун икки мамлакат, икки халқ ўртасидаги асрий қўшничилик алоқалари янги маъно-мазмун касб этган. Чегаралардаги тўсиқлар олиб ташланди, иқтисодий, маънавий-маърифий алоқалар шитоб билан ривожланди. Айниқса, 2024 йилги Париж олимпиадаси ўйинларида қирғизистонлик боксчи Мунарбек Сейитбек ўғлига ўзбекистонлик мураббий Акмал Ҳасановнинг секундантлик қилгани бутун дунёда икки халқнинг қардошлиғи, бир-бирига елкадош эканлигининг ёрқин ифодаси бўлди.

Ҳозир Манасда 6,5 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Улар ўз меҳнати билан Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Умуман, Жиззах вилоятида яшовчи қирғизлар Ўзбекистоннинг иқтисодий ва иқтисодий соҳаларида, жумладан, таълим, маданият, спорт, тиббиёт, илм-фан, суд-ҳуқуқ тизимида, қишлоқ хўжалигида ва яна кўплаб соҳаларда намунали хизмат қилиб келмоқда.



Машхурбек
Раимжонов ва
Одина Аббасова
ижросида

«Дўстлик»
қўшиғи

Ўзбек-қирғиз оға-ини туғишгандир,
Қирғиз-ўзбек бир-бирига жону тандир.
Ўзбек-қыргыз ағаларым бир туугандир,
Қыргыз-өзбек бир-бирине жанын берет.

■ ЧЕГАРА ПОСТИДАН РЕПОРТАЖ

ҚУЛАЙЛИКДАН БАРЧА МАМНУН

Икки давлат раҳбарларининг сайё-ҳаракати билан Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларида янги тарихий давр бошланди. Дўстона ва яқин қўшничилик алоқалари мустаҳкамланди. Оқилона сиёсат туфайли чегара постлари очилди, дўстлик ришталари мустаҳкамланишига эришилди. Бугун икки эл фуқаролари яна бир қулайлик — чегарадан ўтиш тартиби соддалаштирилганидан ниҳоятда мамнун.



Ҳозир Ўзбекистон — Қирғизистон чегара-божхона постларидан ID-карта, яъни шахсини, фуқаролиқни тасдиқлайдиган ҳужжат билан ўтиш йўлга қўйилган.

Фарғона вилояти билан қўшни давлатни боғловчи чегара-божхона постларининг барчасидан ўтишда ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмайсиз.

— Болалигим ўзбек халқи орасида ўтган. Шу боис ўзбек эли қалбимга жуда яқин, — дейди қирғизистонлик Сайдахмад Усмонов. — Давлат раҳбарларига раҳмат, уларнинг сайё-ҳаракати билан чегаралар очилди, эндиликда бемалол борди-келди қиляпмиз. Чегарадан ўтиш осонлиги учун ҳам Ўзбекистонга тез-тез келиб тураман. Илгари хорижга чиқиш پاسпорти талаб қилинар, ҳар битта постда муҳр боислар, соатлаб кутиш ва турнақатор навбатлар кишини қийнаб қўяр эди. Ҳозир эса бу каби қийинчиликлар йўқ.

Энди битта ID-картанинг ўзи кифоя.

— Зарур юмуш билан Сўхдан Фарғонага кўп қатнаيمان. Авваллари пост орқали Фарғонага бориб келиш учун паспортимиз саҳифалари тўлиб кетар ва янгисига алмаштиришга мажбур бўлар эдик. Ҳозир эса бу қийинчиликлардан асар ҳам қолмаган. Биргина ID-карта билан бемалол икки давлат чегарасидан эмин-эркин ўтиб кетяпмиз, — дейди сўхлик Муҳаммаджон Суёнбоев.

Утган йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши ташаббуси билан биз, қирғизистонлик фахрийлар Фарғонанинг сўлим гушасида жойлашган сикатгоҳда дам олиб, ҳордиқ чиқаргандик, — дейди Қирғизистоннинг Қадамжой туманидан келган Қирдар Асодова. — Одамлар бизни илқ ва самимийлик билан қарши олди. Бу ерда ўз юртимизда юргандек бўлди. Ун кун давомида Фарғона

нинг гузал жойларини саёҳат қилдик. Юртингизга бўлган меҳрим янгида ошди.

— Шохимардонлик бўлган сабабли Фарғонага бориб келиш учун Қирғизистоннинг «Оқ қия» ва «Қадамжой» чегара постидан ўтаман. Ҳозир умуман қийинчилик йўқ, — дейди Абдумалик Саттаров. — Қирғизистонликлар Ўзбекистонда, ўзбекистонликлар эса Қирғизистонда бир элнинг одамларидек бемалол юришади, саёҳат қилишади, меҳмон бўлишади. Мени ҳар доим икки қардош халқнинг тутувлиги хурсанд қилиб келган. Илоҳим, дўстлигимиз мустаҳкам бўлсин.

Маълумотларга кўра, икки давлат чегарасидан ҳар кун 25-30 минг киши ўтади. Мазкур қулайлик эса қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Жамшид ЭРҲАШЕВ
«ISHONCH»

Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!



Таҳлилчидан Трампга маслаҳат

АҚШ Президенти Дональд Трамп Украинага Patriot ракета тизимларини етказиб бериш ҳақида қарор қабул қилса, бу АҚШнинг шундоқ ҳам ка- майиб кетган заҳираларини деярли тугатиши ҳамда Пентагоннинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиши мумкин, деди британиялик таҳлилчи Алек- сандр Меркурис YouTube’даги чиқишида.

«Вазият шундайки, Америкада ҳарбий қурол-яроғ заҳиралари ниҳоятда камайиб кетган. У омбор- ларда сақланаётган қурол-аслаҳани етказиб бериши мумкин, бироқ бу билан АҚШнинг ҳарбий имконият- ларини заифлаштириб юборишини ҳам ҳисобга олиши керак», деган таҳлилчи.

Меркуриснинг сўзларига кўра,

Трамп «Patriot ракеталарини ҳаво- дан ярата олмайди». Зеро, АҚШ ушбу тизимларнинг деярли барча арсеналини ишлатиб бўлган. Агар Америка Украинага ёрдамни қайта тикласа, етказиб бериш жуда катта танаффуслар билан амалга ошади. Қолаверса, бу қарор Пентагоннинг қаршилигига дуч келиши ҳам эҳти- молдан холи эмас.

**Финляндия Оттава
конвенциясидан чиқмоқчи**

Финляндия Ташқи ишлар вазирлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мамлакатнинг пиедаларга қарши миналарни тақиқловчи Оттава конвенция- сидан чиқиш тўғрисидаги қарорини маълум қилди. Бу қарор 2026 йилда кучга киради. Бу ҳақда Финляндия ТИВ расмий сайтида эълон қилинди.

«Финляндия 2025 йил 10 июль кунини пиедаларга қарши мина- ларни тақиқловчи Оттава конвен- циясидан чиқиш ҳақидаги ҳуж- жатни тақдим этди. Бу қарор 2026 йилнинг январидан кучга киради. Шу билан бирга, Финляндия кон- венциянинг гуманитар максадла- рини қўллаб-қувватлашда давом этади», дейилади баёнотда.

Вазирликнинг таъкидлашича, ушбу қарор Финляндия мудофаа сиёсати билан боғлиқ. Мамла-

катда хавфсизлик муҳити ёмон- лашгани боис пиедаларга қарши миналарни яна мудофаа восита- лари қаторига қайтариш зарурати юзага келган.

Финляндия ушбу қарор ҳақида конвенцияга аъзо барча давлат- ларга, БМТ Бош котиби Антониу Гутерреш ва БМТ Хавфсизлик Кенгашига маълум қилган. Бу қарор БМТ Бош котиби ҳужжатни қабул қилганидан сўнг олти ой ичида кучга киради.

**Франция ва Буюк Британиядан
янги қўшма режа**

Франция ва Буюк Британия Украинадаги можаро барҳам топгач, мамлакатда жойлаштирилиши мумкин бўлган қўшма ҳарбий контингентни 50 минг на- фаргача ошириш ишларини бошлади. Бу ҳақда 10 июль кунини Le Monde нашри Франция Президенти Эммануэль Макрон баёнотида тавниб хабар берди.

«Биз ушбу қўшма кучлар со- нини бригада даражасидан ар- мия корпуси даражасигача оши- ряпмиз, яъни улар 50 минг нафар- гача ҳарбийни камраб олиши ва йирик тўқнашувларда иштирок этиши мумкин», деди Макрон.

Унинг сўзларига кўра, бу контин- гент таркибига Европа қитъасидаги бошқа давлатлардан ҳам аскарлар қўшилиши мумкин. Шунингдек, ушбу кучларнинг НАТО ҳарбий альянси бошқарувида топширилиши эҳти- моли ҳам истисно қилинмаяпти.

**Арманистон ТИВ: Пашинян ҳамда
Алиев учрашуви самарали яқунланди**

Арманистон бош вазири Никол Пашинян ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ўртасидаги учрашув самарали ўтди. Бу ҳақда Арманистон Ташқи ишлар вазирлиги расмий баёнот берди.

«Арманистон Республикаси Бош вазири ва Озарбайжон Респу- бликаси Президенти Арманистон ҳамда Озарбайжон ўртасидаги дав- латлараро муносабатларни нор- маллаштиришга оид турли жиҳат- ларни муҳокама қилишди. Барча масалаларни муҳокама қилиш учун икки томонлама музокаралар энг самарали формат экани яна бир бор тасдиқланди», дейилади вазир-

ликнинг расмий сайтида.

Учрашув доирасида сиёсатчилар чегара делимитацияси жараёнини муҳокама қилишди ҳамда ўзаро му- носабатларни ўрнатиш борасида келишувга эришилди. Пашинян ва Алиев икки томонлама музокара- ларни ташкил этгани учун БАА пре- зиденти шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаёнга миннатдорчилик бил- дирди.

**Қирғизистонда
янги қонун кучга киради**

Қирғизистон Президенти Садир Жапаров ижтимоий тармоқларда сохта хабарлар тарқатган шахсларга нисбатан жавобгарлиқни белгилловчи қо- нунни имзолади. Бу ҳақда маҳаллий оммавий ахборот воситалари хабар бермоқда.

Гап шундаки, бундай сохта хабар- лар жамоат тартибини бузиши, фуқа- ролар ёки ташкилотлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек, жамият ёки давлатнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатла- рини таҳдид остига қўйиши мумкин.

Янги қонунга кўра, жисмоний шахслар учун жарима миқдори 20 минг сомни, юридик шахслар учун эса 65 минг сомни ташкил этади. Бун- дай қондабузарликлар юзасидан ба-

ённомалар ички ишлар органлари томонидан расмийлаштирилади, ишларни эса суд кўриб чиқади.

Эслатиб ўтамиз, 2024 йилнинг 10 февралда Қирғизистонда интер- нетда ҳақорат ва тўхмат учун ҳам жа- рима белгилайдиган қонун кучга кир- ган эди. Унда ҳам жарималар миқ- дори 20 минг ва 65 минг сом этиб белгиланган.

Оламгир ОТАЁРОВ
тайёрлади



ЁЗ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

Нукус шаҳридаги «Чимбой гузари» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган «Турон» соғлом- лаштириш оромгоҳида жорий ёз мавсумида 5 навбатда 450 нафар боланинг дам олиши режа- лаштирилган. Шундан 187 нафари боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар фарзандлари, «Оилавий болалар уйлари»нинг тарбияланувчилари бўлиб, бепул соғломлаштирилади.

Айни пайтда 11 нафар педагог мутахассис, тиб- биёт ходимлари, техник ва хизматчи ходим фао- лият юритаётган оромгоҳда тарбияланувчилар беғубор болаликнинг бахтиёр онларини мароқли ўтказмоқда. Улар бадий адабиётларга дўст ту-

тинишган. Қўнғирот туманидан келган Нурсултон Сабитов стол теннисига қизиқишини билдирган бўлса, кегейилик Мейрибек Қидирбоев расм чи- зишга иштиёқи кучлилигини айтишди.

– Оромгоҳга илк бор келишим. Менга ёқди.

Дўстларим билан ҳар куни машғулотларда, спорт тўғаракларида қатнашамиз, – дейди хўжайилик Тўмарис Султанбоева. – Мен, айниқса, шашка ўйнашни яхши кўраман. Бу спорт турига аввалдан қизиққанам боис донса суришда қийналмаялман.

– Ёз келди дегунча, оромгоҳга ошиқаман. Бо- лажонлар жону дилим. Бу ерда улар нафақат дам олишади, балки дўстлар орттириб, маънавиятини бойитади, жисмонан чиниқади, – дейди бош тарбия- чи Гулойим Абуовна. – Болажонлар тўғарак машғу- лотларида ўз қобилиятларини намоён этиб, дўстона фикр алмашиш имкониятидан жуда унумли фойда- ланишмоқда. Умуман олганда, улар яратилган ша- роитлардан кўнгли шод ҳолда ёзни мароқли ўтқа- зишмоқда.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»



**ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТИКАСИ
АНТОЛОГИЯСИ**

Ўзбек журналистикаси тарихи маърифатпарвар жадид боболаримиз газета ва журналлар ташкил қилган даврдан бош- ланган эмас. Қадимги даврлардаги тошбитиклар, терига ёзилган манбалар, ўрта асрлар шоир, адиб ва мутафаккирла- рининг айрим асарлари, гарчи биз бугун тасаввур қиладиган журналистикадан фарқ қилса-да, маълум маънода, ўзида журналистикага, матбуотга қўйиладиган талабларни акс эттирган, дейишимиз мумкин.

XIX аср охири XX аср бош- ларида газета ва журналлар- нинг чоп этила бошлаши эса, босма матбуотга тамал то- шини қўйди ва унинг ривожла- нишига туртки берди. Собиқ иттифок даврида Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари кўп эврилишларни, мураккаб жараёнларни бошидан ўт- казди.

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз ўзига хос ўзгаришларни бошдан кечи- рмоқда: интернет журналис- тика анча дадил ривожлан- моқда. Босма нашрлар, ҳатто, радио ва телевидение ҳам тезкорлик, қамровни ошириш нуқтаи назаридан интернетга мослашишга, интеграцияла- шувга интилмоқда.

Ўзбекистон миллий кутуб- хонасида бўлиб ўтган «Ўзбек журналистикаси антологи- яси» 2 жилдлик китоби тақ- димотида шулар ҳақида сўз борди. Мазкур антология Ўз- бекистон Республикаси Пре- зидентининг 2022 йил 27 июндаги «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувват- лаш ва журналистика соҳа-

сини ривожлантириш чо- ра-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан белгилаб бе-рилган вазифалар ижроси доирасида нашрга тайёр- ланди. Ўзбекистон Журна- листлар уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникация- лар агентлиги, Ўзбекистон миллий кутубхонаси, босма ва электрон оммавий ахбо-

рот воситалари, соҳага кадр- лар тайёрлаб берувчи олий таълим муассасалари, фи- доий журналистлар ва олим- лар ҳамкорлиги ва саъй-ха- ракати билан ана шу хайрли иш амалга ошди.

Антологиядан қадимги даврлардан бошлаб, бугунги кунгача бўлган ўзбек журна- листикаси тарихи, унинг етуқ намояндалари ҳақида қисқа маълумотлар ва уларнинг ижод намуналаридан, публи- цистик, танқидий-таҳлилий мақолаларидан парчалар ўрин олган.

Тақдимот давомида илк тажриба сифатида чоп этил- ган ушбу 2 жилдлик китоб журналистика тарихига қи- зиқувчилар, тадқиқотчилар, Журналистика ва оммавий коммуникациялар универси- тети ҳамда бошқа олий ўқув юртларидаги соҳавий фа- култетлар талабалари учун ўзига хос қўлланма, муҳим манба бўлиши мумкинлиги қайд этилди. Келгусида ан- тологиянинг тўлдирилган ва қайта ишланган нашрларини тайёрлаш, бу жараёнда уни янада бойитиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Даврон ЭРГАШЕВ



Қувончбек ТЎРАЕВ олган суратлар

ЭЪЛОНЛАР

«PROPERTY SYSTEM» МЧЖ (СТИР: 305120091) устав жамғармаси **120 347 934 сўм 87 тийин-дан 38 893 768 сўм 20** тийинга камайитирилаётганини маълум қилади.

Талаблар Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Асалобод 2-мавзе, 3-уй манзили бўйича юбори-лиши мумкин.

* * *

Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган **«AZON A-Z OPERATION NETWORK» МСНҲ (СТИР: 311 149 194)** номига берилган думалоқ муҳр йўқолгани сабабли бекор қилинади.

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehriddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43

Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20

Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23

Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31

Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12

Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34

Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66

Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26

Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55

Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70

Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44

Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24

Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01

Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Gulruxbegim Odashboyeva

Musahhihlar:
Dilorom Xudoyberganova,
Umida Xudoyberganova

Sahifalovchi:
Hasan Abdullilov

Bosishga topshirish vaqti – 19.50
Topshirildi – 20.20

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch
1991@yandex.uz

Umumiy adadi 32 083 ta

Shundan: 6 086 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 116 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 811 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma G-711**

1 2 3 4 5 6